# ДАСТЛАБКИ ЧОРАК ЮТУҚЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-бетда

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларга «АгроМинитехЭкспо» кўргазмалари доирасида минитехнологиялар ва ихчам жиҳозларни харид қилиш юзасидан тузилган шартномаларни молиялаш учун 3,9 млрд сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 10 та корхона, шунингдек, аҳолидан сут қабул қилиш бўйича 5 та шохобча ташкил қилинди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича дастурни амалга оширишга Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Микрокредитбанк ва бошқа тижорат банкларининг 9,2 млрд сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди.

Мобил алоқа ва интернет хизматидан фойдаланувчи абонентлар сони ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 42,7 фоизга кўпайди.

Молиявий хизматлар ҳажми 25,9 фоизга ошди.

1,2 мингдан зиёд янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишга туширилгани ички савдо ва овқатланиш хизматларининг 15,2 фоизга ортишига кўмаклашди. 90 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил қилинганлиги маиший хизматлар ҳажмини 17,3 фоизга ошириш имконини берди.

843 та чакана савдо объекти, 43 та умумий овқатланиш объекти ва 74 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 30,4 минг иш ўрни яратилди.

Хизматлар умумий ҳажмининг 12,6 фоизга ортиши ушбу соҳанинг ЯИМдаги улушини 48,5 фоизгача (2010 йилнинг биринчи чорагида 46,4 фоиз) етказиш имконини берди.

### Инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш

Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи 5 км автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, шунингдек, «Навоий – Учкудуқ» автомобиль йўлининг 10 км да реконструкция қилиш ишлари якунланди. 11 км темир йўлларни тиклаш ишлари амалга оширилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК самолётларида йўловчиларни ташиш ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,4 фоизга ортди. Навоий шаҳридаги халқаро аэропортдан юкларни жўнатиш ҳажми 22,4 баравар кўпайди.

Маҳаллий хом ашё ресурслар ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича 43 та янги ишлаб чиқариш ташкил қилинди; 34,6 млн дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та янги ғишт заводи ишга туширилди, 5 та пишиқ ғишт ишлаб чиқариш заводи модернизация қилинди, шу жумладан, 2 та корхона хом ашё компоненти сифатида кўмирдан фойдаланувчи ишлаб чиқаришга ўтказилди.

Республикада 1 642,2 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан, 1 242,6 минг квадрат метр уй-жой қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,3 фоиз ортиқдир. 20,9 млрд сўмлик инвестиция маблағларининг ичимлик суви таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилиши самарасида 287,4 км, шу жумладан, қишлоқ жойларда 236,9 км сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш

Амалга оширилган чоралар натижасида 170 та, шу жумладан, тўқимачилик саноатида – 23 та, қурилиш материаллари саноатида – 49 та, озиқ-овқат саноатида – 75 та, тери-пойабзал саноатида – 2 та ва бошқа соҳаларда – 21 та кичик корхона ишга туширилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши суръати 117,8 фоизни ташкил этди, бу саноатдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча юқоридир.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари 865,9 млрд сўмни ташкил этди, шундан 159,8 млрд сўми микрокредитлар бўлиб, бу 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.

Кичик бизнес вакилларининг ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида биржа савдоларида харид қилган товарлар ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Улар томонидан биржа савдолари орқали сотилган ишлаб чиқариш товарлари 1,8 баравар кўпайди. Биржа айланмасининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар улуши 82 фоизни ташкил этди.

### Ижтимоий ривожланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш

Ҳудудий дастурларга мувофиқ, 219 минг янги иш ўринлари яратилди, шундан 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги иш ўринларининг 137,6 мингтаси (62,9 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташкил этилди. Касаначилик фаолияти турларини кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 54,2 минг иш ўрни ташкил этилди.

Янги ташкил этилган бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 18 млрд сўмлик маблағлар ўзлаштирилди. Ўтган вақт давомида болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишга йўналтирилган капитал қўйилмалар ҳажми Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағи ҳисобидан 3,3 баравар ошди ва 18,4 млрд сўмни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 23,4 млрд сўм бюджет маблағлари ўзлаштирилди. Халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини юқори технологияли диагностика ва даволаш тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича учта инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

*Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ахбороти асосида тайёрланди.*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

*санкция – ЭКИХнинг 1/2 бараваригача миқдорда жарима назарда тутилган).*

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган кун – 2011 йил 27 апрелдан кучга кирди.**

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

**Президентнинг 2011 йил 25 апрелдаги ПҚ-1522-сон қарори билан Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Мамлакатга олиб кирилаётган акцизли товарларга акциз солиғи ставкалари ўзгартирилди ва тўлдирилди. Хусусан, пишлоқ ва творог учун акциз эндиликда улар божхона қийматининг 70%ини *(олдин – 50%)*, резинка сақич учун – 100%ини *(олдин – 70%)* ташкил қилади. 9 та товар гуруҳидаги 30 турдан ортиқ товарларнинг ставкалари ўзгартирилди ва тўлдирилди. Қўшимчалар киритилиши шунингдек Президентнинг «Истеъмол товарлари импортини бож-тариф жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори *(2011 йил 4 мартдаги ПҚ-1496-сон)* билан ҳам белгиланган. Қарорга биноан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб мамлакатга олиб кирилаётган банан, ананас, авокадо, гуаява, манго ва мангостан (гарциния), апельсин, мандарин (шу жумладан танжерин ва сатсумалар), клементин, вилкинг ва цитрусларнинг шунга ўхшаш гибридлари, грейпфрут, шу жумладан помелло, лимон (citrus limon, citrus limonum), кивига божхона қийматининг 25%и ставкада, бироқ камида 0,15 АҚШ долл./кг; буғдой унига – божхона қийматининг 15%и ставкасида акциз солиғи солинади.

## ФАҚАТ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ БЎЙИЧА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 119-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 125-сон қарорига ўзгартириш киритилди.** Унга биноан, аввалгидек, юридик шахслар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган товарларни бошқа юридик шахсларга, махсус истеъмолчиларга ва ижтимоий соҳа муассасаларига, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларга сотиш фақат накд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича амалга оширилади. Юридик шахслар – истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни чакана сотишни **шу жумладан ишлаб чиқариш жойида ташкил этилган ўз фирма дўконлари ёки ўзларига тегишли бўлган ёхуд белгиланган тартибда ижарага олинган турғун савдо шохобчалари орқали, фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланган ҳолда** амалга оширишлари мумкин.

## СОДДАЛАШТИРИЛГАН УЛАНИШ

**Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 27 апрелда 2220-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** У техник шартларни бериш ва электр таъминоти лойиҳаларини келишиш, электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш тартибини белгилайди. Белгиланишича, электр тармоқларига улаш учун техник шартлар ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари орқали фойдаланувчилар томонидан талабнома келиб тушганидан сўнг **уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бепул** берилади.

**2011 йил 7 майдан кучга кирди.**

## ХАТАР БОШҚАРУВИ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 27 апрелда 943-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Эндиликда банк бошқарувлари ички аудит хизматлари томонидан текширув чоғида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни ҳар чоракда кўриб чиқишлари;

5-бетда

## УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР
– Дастлабки чорак ютуқлари
– Валюталар курси 1-2-бетлар
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2, 5-бетлар
✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Нотариус тасдиқлайди
– Ҳуқуқни расмийлаштириш лозим
– 15 кундан кўп эмас 3-бет
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Вақтинчалик рўйхатга олиш билан ишга қабул қилинганда
– Уйга... хизмат сафари 4-бет
✓ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ
– Ёлғиз пенсионерлар кимлар? 5-бет
✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА
– Миллиардер бўлди... беш цент билан иш бошлаб 6-бет
✓ top 7-8-бетлар

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 05.05.2011 | 1 | 0,7912 | 1 | 1,1758 | 1 | 0,029 |
| Арманистон | 05.05.2011 | 1 | 373,16 | 1 | 555,82 | 1 | 13,69 |
| Беларусь | 06.05.2011 | 1 | 3001 | 1 | 4468,79 | 1 | 110,08 |
| Грузия | 05.05.2011 | 1 | 1,6766 | 1 | 2,4901 | 1 | 6,1262 |
| Қозоғистон | 06.05.2011 | 1 | 145,71 | 1 | 216,98 | 1 | 5,35 |
| Қирғизистон | 06.05.2011 | 1 | 46,603 | 1 | 69,503 | 1 | 1,7008 |
| Латвия | 06.05.2011 | 1 | 0,473 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0173 |
| Литва | 06.05.2011 | 1 | 2,3209 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,5169 |
| Молдова | 05.05.2011 | 1 | 11,4424 | 1 | 16,996 | 1 | 0,4198 |
| Тожикистон | 05.05.2011 | 1 | 4,5063 | 1 | 6,6959 | 10 | 0,1655 |
| Ўзбекистон | 03.05.2011 | 1 | 1694,8 | 1 | 2490,3 | 1 | 61,62 |
| Украина | 05.05.2011 | 100 | 796,78 | 100 | 1185,768 | 10 | 2,9114 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

# ВАҚТИНЧАЛИК РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЛАН ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНДА

***Мен самарқандликман, 5 йилдан бери Тошкентда яшаб ва ишлаб келаман, вақтинчалик рўйхатга олинишимни ўз вақтида узайтириб бораман. Бироқ 2010 йил ноябридан бошлаб қандайдир ички фармойишга таяниб, вақтинчалик рўйхатга олинишни узайтиришга ҳужжатларни қабул қилишмаяпти. Ишхонамда мендан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишни талаб қилишмоқда. Бироқ мен ишдан бўшашни хоҳламайман, ишим ўзимга ёқади ва уни етарлича яхши бажаряпман. Иш берувчи вақтинчалик рўйхатга олиниш муддати тугаши муносабати билан мен билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлими?***

***Ходим.***

***Ишга қабул қилиш чоғида ходимимиз вақтинча рўйхатга олинган эди. У ҳар доим бу муддатни ўз вақтида узайтириб келарди. Бироқ анчадан бери уни яна узайтиришга муваффақ бўлмаяпти, айтишича, ҳужжатларини қабул қилишмаётган экан. Вақтинчалик рўйхатга олиниш муддати ўтиб кетган ходим масаласини қандай ҳал қилиш лозим? Унинг ўзи яхши мутахассис, ишига нисбатан ҳеч қачон эътирозлар бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ. Биз у билан меҳнат шартномасини бекор қилишимиз керакми?***

***Иш берувчи.***

– Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонуний асослари Меҳнат кодексида *(бундан кейин – МК)* белгиланган. Чунончи, *МКнинг 97-моддасига мувофиқ, у қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:*

1) тарафларнинг келишувига кўра;

2) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

3) муддатнинг тугаши билан;

4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра;

6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Тарафларнинг келишувига кўра меҳнат шартномаси исталган вақтда бекор қилиниши мумкин. Иккала тарафнинг розилиги мажбурий шарт саналади. Агар ходим рози бўлмаса, меҳнат муносабатларини ушбу асос бўйича бекор қилиш қонуний бўлмайди.

Тарафлардан бирининг ташаббусига кўра, кўриб чиқилаётган ҳолатда эса иш берувчининг ташаббуси бўйича меҳнат шартномаси фақат МКнинг 100-моддасида саналган асослар бўйлангина бекор қилиниши мумкин. Бироқ улар орасида иш берувчига ходим билан меҳнат шартномасини яшаш жойида вақтинчалик рўйхатга олиниши узайтирилмаганлиги сабабли бекор қилиш ҳуқуқини берадиган асослар мавжуд эмас.

Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган қуйидаги ҳолатларда меҳнат шартномаси бекор қилинади:

1) ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда;

2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда;

3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда;

4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;

5) ходимнинг вафоти муносабати билан;

6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда. ЎзР Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сон қарори[1] 44-бандига кўра, бундай ҳолатларга, хусусан, 18 ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси ота-онаси, васийлар (ҳомийлар) ва ваколатли органлар (меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар) талабларига кўра бекор қилиниши, муқобил хизмат ўтаётганлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш муқобил хизмат органлари талабига кўра бекор қилиниши киради.

Кўряпмизки, **ходим билан меҳнат шартномасини вақтинчалик рўйхатга олиниш муддатининг тугашига асосланиб бекор қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган (агар, албатта, бундай асос меҳнат шартномасининг ўзида мавжуд бўлмаса).**

# ПАСПОРТ РЕЖИМИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга[2] *(бундан кейин – Низом)* биноан бир жойдан бошқа жойга вақтинчалик яшаш учун келган Ўзбекистон фуқаролари келган кундан бошлаб уч кун муддат ичида ҳужжатларни қайд этиш учун ички ишлар органларига топширишлари шарт *(Низомнинг 33-банди).* Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг[3] *(бундан кейин – Йўриқнома)* 51.3-банди билан фуқароларни вақтинчалик рўйхатга олиниш тартибига риоя қилиниши устидан назорат қилиш ички ишлар органлари ҳамда вақтинчалик рўйхатга олиниш учун масъул шахслар зиммасига юкланади, улар рўйхатга олиниш муддати тугаганидан кейин фуқароларнинг ўз вақтида кетиши устидан кузатишлари шарт.

Йўриқноманинг 79-бандига асосан паспорт тизимига риоя этилиши учун масъул шахслар қуйидагилардир:

аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш вазирлиги ижара корхоналарининг, квартирадан фойдаланиш қисмларининг (КФҚ) раҳбарлари;

уй бошқарувчилари, уй ва ётоқхоналарнинг комендантлари, маҳалла қўмиталарининг раислари;

меҳмонхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, пансионатлар ва туристик базалар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар, болалар учун интернат уйлар ҳамда қаролар рўйхатга олинадиган бошқа шу каби муассасаларнинг директорлари (мудирлари);

уйларнинг эгалари ёки ихтиёрида турар жой бинолари ва хоналари бўлган бошқа шахслар.

Паспорт тизими қоидаларининг бажарилиши устидан назорат ҳокимликлар ва ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

**Шу тариқа, қонунчилик иш берувчиларни Паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун жавоб берадиган масъул шахслар рўйхатига киритмайди.** Мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспорти ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек қайдсиз яшаётган фуқароларни **ишга қабул қилгани учун жавобгар** бўладилар *(Низомнинг 43-банди).* Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 223-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ вақтинча ёки доимий рўйхатга олинишсиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик **мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга** сабаб бўлади.

Шу тариқа, иш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатга олинмаган ходимни ишга қабул қилгани учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган[4]. Кейинчалик унинг муддати тугашига келсак, қонун ҳужжатларида ушбу масала тартибга солинмаган.

---

*[1]«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида».*

*[2]Президентнинг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-2240-сон Фармонига 1-илова.*

*[3]ИИВнинг АВ томонидан 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғига 1-илова.*

*[4]Агар меҳнат шартномасининг шартларига кўра ходим иш берувчи жойлашган шаҳарда эмас, балки ўзининг яшаш жойида ишни бажара олса ёки шартноманинг шартларига кўра ходим иш берувчининг шаҳрида 3 кундан кўп бўлмаса, мазкур чеклов амал қилмайди, чунки ушбу ҳолда паспорт режими бўлмайди.*

# УЙГА... ХИЗМАТ САФАРИ

***Корхонамиз Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган. Биз Жиззах вилоятида яшовчи кишиларни ишга қабул қила оламизми, улар ўз меҳнат вазифаларини пойтахтдан ташқарида бажарадилар? Агар улар шаҳарга ҳисоботлар топшириш ва янги топшириқ олиш учунгина ойига 1–2 кун хизмат сафарига келишса, ушбу мутахассислар Тошкентда вақтинчалик рўйхатга олиниши керакми?***

***Ғ.Аҳаджонов,***
***директор.***

– Хизмат сафари деб ишчининг ташкилот раҳбарининг фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиш) тушунилади[1]. Шу тариқа, Тошкент доимий иш жойи бўлиб қолади ва, тегишинча, **ходимни ишга қабул қилиш чоғида пойтахтда вақтинчалик рўйхатга олиниши зарур.** Бундан ташқари, ушбу ҳолда иш берувчи хизмат сафарига юборилган ходимга, иш ҳақидан ташқари, суткалик пуллар ҳам тўлаши керак.

Агар ходимларни ташкилотнинг улар яшайдиган жойда жойлашган филиали ишга қабул қилса, **Тошкентда вақтинчалик рўйхатга олиниши талаб қилинмайди.** Шунингдек, агар меҳнат шартномасининг шартларига кўра иш берувчи жойлашган жойда эмас, балки уйда ишлар бажарилса[2], пойтахтга келиш (ҳисобот топшириш, иш ҳақи олиш, янги топшириқ олиш ва ҳоказо) 3 кун бўлиш билан чекланса, вақтинчалик рўйхатга олиниш талаб қилинмайди.

---

*[1]Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (МВ ва МАИМҚВнинг АВ томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).*

*[2]Касаначилик меҳнатини ташкил қилишнинг хусусиятлари ва махсус шартлари «Касаначи кимдан рухсат олади?» материалида («Норма маслаҳатчи», 2010 йил 31 июлдаги 29 (262)-сон) чоп этилган.*

**Эълон**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

***ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** Давлат дастурини амалга ошириш учун, қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш;

– аҳоли ўртасида янги бизнес тури – оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни ривожлантириш учун ўқув ва консультатив курсларни ташкил қилиш;

– аҳоли бандлигини яхшилаш ва даромадларини ошириш мақсадида ёшлар, аёллар ва жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни кичик бизнес, тадбиркорлик, халқ ҳунармандчилигига жалб қилиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, оилавий бизнес субъектлари орасида ҳамкорлик (кооперация) алоқаларини ривожлантиришда кўмаклашиш;

– қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилар орасида кооперация алоқаларини мукаммаллаштириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат.
2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz.** сайтида келтирилган шаклида грант лойиҳасининг аризаси.
3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

**Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори – 15 млн сўмгача.**

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2011 йил 31 май соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): «100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санаси почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевосита жамоат фондига топшириш, улар ҳар куни (шанба ва якшанба кунлардан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

*Барча матнли ҳужжатлар **Times New Roman 14** шрифтида тайёрланиши керак.*

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг расмий сайтида: **www.fundngo.uz.**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64, 239-26-76).

***«Кадрлар бўлими» саҳифасини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА олиб боради.***

# ЁЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР КИМЛАР?

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомда айтилишича, компенсация олувчилар сирасига ёлғиз пенсионерлар ҳам кирадилар, бунинг учун ҳеч қандай қўшимча аризалар талаб қилинмайди.**

***Ким «ёлғиз пенсионер» ҳисобланади? Бу «унвон»ни уларга ким беради? Мен 63 ёшдаман, 2008 йил августидан пенсияга чиққанман, 40 йиллик иш стажим бор, бутун умр Тошкентдаги биргина корхонада ишладим. Уйланмадим, болаларим, ота-онам йўқ, бир ўзим яшайман. Компенсация олишга ҳақлиманми?***

**А.Фёдоров.**

– Ҳақиқатан ҳам, Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низом[1] *(бундан кейин – Низом)* 1-банди «а» хатбошисига биноан **ёлғиз пенсионерлар энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида ойлик компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эга[2].** 2011 йил мартда ушбу сумма 22 380,75 сўмни (49 735 x 45%) ташкил қилди. Ишламайдиган пенсионерларга компенсация пенсия ҳужжатларида мавжуд ҳужжатлар асосида, яъни қўшимча аризаларсиз тўланади *(Низомнинг 5-банди)*. Ушбу ҳужжатда кимлар ёлғиз пенсионер ҳисобланиши белгиланмаган. Бироқ мазкур таъриф Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш тартибида[3] келтирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур ҳужжат 2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастурига[4] мувофиқ қўшимча ижтимоий ёрдам берилишига муҳтож деб топилиши мумкин бўлган фуқаролар тоифасини белгилайди. Бироқ бошқа ҳеч бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда ёлғиз пенсионер таърифи берилмаганлиги сабабли унинг формулировкасини келтирамиз.

**Ёлғиз пенсионер деб белгиланган пенсия ёшига (эркаклар – 60 ёш, аёллар – 55 ёш) етган ва ундан ошган, алоҳида уй, квартира, ётоқхонада бир ўзи яшайдиган ва болалари (шу жумладан асраб олган болалари), ота-онаси, эри (хотини), ҳомийси, васийликка олган шахси мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эътироф этилади.**

Агар муҳтож пенсионерлар:

маъмурий ҳудуддан (маҳалла, қўрғон, овул ва бошқалар) ташқарида яшайдиган, бироқ уларга доимо турли хил моддий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган қариндошларга эга бўлишса;

уларнинг болалари ёки ота-онаси, эри (хотини) узоқ муддатли даволанишда ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлишса;

кекса, пенсионер ва ногирон эр ва хотин биргаликда яшашса ва қариндошлари бўлмаса;

ногирон бола билан бирга яшашса, уларга қўшимча ижтимоий ёрдам берилиши мумкин.

**Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг рўйхати**

**ЭКИҲнинг 45 ФОИЗИ МИҚДОРИДА:**

- ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан ногиронлар ҳам;
- 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ва вафот этган ногиронларининг хотинлари (Уруш ногиронлари ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар доираси ВМнинг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига[7] 2 ва 3-сон иловалар билан белгиланган. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларига боқувчисини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари киритилади. Компенсация пул тўловлари ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига улар оладиган пенсия туридан ва оила аъзолари биргаликда ёки алоҳида яшашларидан қатъи назар тўланади);
- биринчи ва (ёки) иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланган шахслар;
- Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат қаҳрамонлари ва Шуҳрат орденининг учала даражаси билан мукофотланган шахслар, шахсий пенсионерлар;
- фашистлар концлагерларининг собиқ вояга етмаган тутқунлари;
- Ленинград шаҳри қамали даврида шаҳар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган фуқаролар;
- кўзи ожиз I гуруҳ ногиронлари;
- Чернобиль ҳалокати оқибатида зиён кўрган фуқаролар;
- ядро полигонларида ва бошқа ядровий радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

**ЭКИҲнинг 18 ФОИЗИ МИҚДОРИДА:**

- 1941–1945 йиллар Иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнат фронти қатнашчилари.

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида низомга[5] мувофиқ имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланувчиларнинг номма-ном рўйхати Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими томонидан туман (шаҳар) ҳокимлиги билан биргаликда тузилади. Сиз яшаш жойингиздаги Пенсия жамғармаси бўлимига сизни ушбу рўйхатга киритиш ва юқорида кўрсатилган имтиёзларни бериш масаласи билан мурожаат қилганингиз мақсадга мувофиқдир.

Президентнинг 1991 йил 27 майдаги ПФ-212-сон Фармони[6] билан **ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга:**

умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортида (таксидан ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшайдиган маъмурий туман ҳудудида умумий фойдаланишдаги автотранспортда **бепул юриш ҳуқуқи;**

шифокорлар рецепти билан бериладиган **дорилар учун ҳақ тўлашдан озод қилиш;**

**белгиланган миқдордаги энг зарур моллари бепул бериш ҳуқуқи берилган.**

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар пенсия гувоҳномасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари берадиган махсус қўшимча варақаси имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳисобланади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юрисконсульти.***

*[1]Молия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 30 декабрда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[2]49 735 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи Президентнинг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармони билан 2010 йил 1 декабрдан бошлаб жорий этилган.*

*[3]Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 23 февралда 900-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[4]Президентнинг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[5]ВМнинг 1991 йил 28 майдаги 145-сон қарорига 1-илова.*

*[6]«Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».*

*[7]«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида».*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2-бетда

ташқи аудит текширувлари якунлари ва Марказий банк инспекцияларининг ҳисоботларини батафсил таҳлил қилишлари шарт.

Банк кенгаши унинг акциядорлари умумий йиғилиши томонидан сайланиши керак. Унинг таркибига банкнинг миноритар акциядорлари манфаатларини ёқлайдиган аъзолари киритилиши керак.

Активлар ва пассивларни бошқариш ёки ресурсларни бошқариш (шу жумладан Ресурсларни бошқариш қўмитасини шакллантириш) сиёсати йирик битимларни (жами капиталнинг 15 фоизи ва ундан юқори миқдорда) тузиш ва муддатини узайтиришни банк кенгаши томонидан маъқулланишига доир талабларни акс эттириши керак.

Кенгашнинг банк фаолиятини назорат қилиш бўйича мажбуриятларни бажариш учун муайян қўмиталарни яратиш ҳуқуқи энди унинг мажбуриятига айланди. У шунингдек кредит, валюта, фоиз, бозор, операцияга доир ва бошқа хатарларнинг банк молиявий аҳволига таъсирини кузатиш, ҳисоб юритиш ва банк томонидан уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришга чақирилган Банк хатарларини назорат қилиш қўмитасини ҳам тузади.

**2011 йил 7 майдан кучга кирди.**

## 5 ЙИЛ САҚЛАНСИН

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 27 апрелда 951-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартириш киритилди.** Чунончи, эндиликда касса хизматига доир мижозлар билан ёзишмалар 5 йил (олдин – 3 йил) сақланади.

**2011 йил 7 майдан кучга кирди.**

## ҲАР ЧОРАКДА АУДИТ

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 27 апрелда 992-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга биноан аудит хизмати ходимлари (аудиторлар) бошқа талаблар билан бирга Марказий банк томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтишлари ва банкнинг пул муомаласи, кредит, валюта, депозит операциялари ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимларида камида 3 йил (олдин – камида 1 йил) иш стажига эга бўлишлари керак. Бош аудитор эндиликда тижорат банкининг юқорида кўрсатилган бўлимларида раҳбарлик лавозимида камида 3 йил ёки аудит хизматида камида 2 йил иш стажига эга бўлиши керак.**

Аудит хизмати энди банк ва унинг таркибий бўлинмаларида (филиаллар, мини-банклар, банк биносидан ташқарида барпо этилган операцион кассаларда) мижозлардан қабул қилинган пул маблағлари, шу жумладан аҳоли омонатларининг мавжудлигини, уларнинг омонат дафтарчалари (сертификатлар)га мувофиқлигини **ҳар чоракда камида бир марта** текширади. Банк кенгаши эса унинг марказида филиаллар фаолиятини мониторинг қилиш натижаларини мунтазам равишда кўриб чиқиш; активлар, кредит ва инвестиция портфелининг сифати ва банк фаолиятининг бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб, аудит хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш йўли билан банк аудит хизматини назорат қилиш мажбурияти юкланди.

**2011 йил 7 майдан кучга кирди.**

## ШОХОБЧАДА ВАЛЮТАНИНГ ЙЎҚЛИГИ – ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ЭМАС

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 27 апрелда 622-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди.** Хорижий валютани ҳамда хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларини сотиб олиш ва сотиш тартибининг бузилишига энди фақат Алмаштириш шохобчаси тўғрисидаги низомнинг *(2011 йил 17 январда 2183-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 130-бандида кўрсатилган талабларга риоя этмаслик *(олдин – Алмаштириш шохобчаси тўғрисидаги низомнинг 120-бандида кўрсатилган талабларга риоя этмаслик (2002 йил 14 мартда 1114-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* ҳамда қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, валюта ёки бошқа қимматликларнинг камомади ёки ортиқчалиги аниқланиши *(олдин – алмаштириш шохобчаларини нақд хорижий валюта ва қатъий ҳисобот бланкалари билан ўз вақтида таъминламаслик)* киради.

**2011 йил 7 майдан кучга кирди.**

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 23 апрелдан 29 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 17-сони асосида тайёрланди.**

Машҳурлар ҳаётидан

# МИЛЛИАРДЕР БЎЛДИ ... БЕШ ЦЕНТ БИЛАН ИШ БОШЛАБ

***Уоррен Баффет номини кўпчилик Forbes журналида эълон қилинадиган миллиардерларнинг ҳар йилги рўйхатидан яхши билади. У курраи заминимиздаги энг бадавлат одамлардан биридир: ҳозир унинг мол-мулки қарийб 44 млрд доллар баҳоланмоқда. Бадавлатликда у Билл Гейтсдан кейин иккинчи ўринда туради. Баффет мол-мулки миқёси эмас, кўпроқ ўзгарувчан, ҳар он қалқиб турувчи молия соҳасида омилкорлик ва барқарорлик бобидаги юксак натижалари билан тилга тушган. Уни жаҳондаги энг машҳур инвестор дейишади. Унга қарашли The Berkshire Hathaway инвестиция фонди йирик трансмиллий компаниялар акцияларига эгалик қилмоқда. Таҳлил бобидаги фавқулодда ноёб қобилияти туфайли Баффет ер юзидаги миллионлаб инвесторлар учун чинакам ибрат, йўлбошчи бўлиб қолди. Неча йилдирки, у биржа даллоллари ва чайқовчилари фикрини ҳуққабоз сингари ўйнатиб келмоқда, унинг бир оғиз сўзи билан қанчадан-қанча компаниялар ё боймоқда, ёки бор будидан мосуво бўлмоқда. Уни «Омахадан чиққан пайғамбар», «Америка бизнесининг олтин стандарти» деб эъзозлайдилар. Инвестициялаш бобида ҳар йили ўтказадиган анъанавий семинарига одамлар йиллаб навбат кутишади.***

## ДАСТЛАБКИ ДАСТМОЯ

Уоррен Баффет 1930 йилнинг 30 августида Небраска штатидаги энг катта Омаха шаҳрида, биржа брокери ва сиёсатчи Говард Баффет оиласида дунёга келди. Бўладиган бола бошидан деганларидек ёшлигидаёқ жуда тийрак эди. Ўқишни ёш чоғида тез ўрганиб олди, мактабга борганида у математика асосларини ҳам яхши биларди. Ахборотларни тез илғаб олар ва сира унутмасди. Ноёб истеъдоди билан тез танилди: болалигидаёқ кўп хонали сонларни миясида кўпайтира олиш қобилияти билан ҳаммани лол қолдирарди.

Баффет молия соҳаси сирларини 6 ёшлигидан ўргана бошлади. 1936 йили у 25 центга бобосининг дўконидан Coca-Cola ўрамини сотиб олиб, ундаги олти шиша ичимликнинг ҳар бирини 5 центдан пуллади. Шу зайил нақ 5 цент ишлаб топди. Бундай қараганда, Баффетнинг бизнес соҳасидаги бу қадами жуда жўн нарса бўлиб кўринади, аммо 6 яшар боланинг моҳиятан олганда пул ишлаб топишга киришганлигининг ўзиёқ кўп нарсадан далолат беради.

Орадан 5 йил ўтгач, Баффет илк бор фонд бозорига қадам қўйди. Брокер отасининг шарофати билан у биржа ахборотларидан эмин-эркин баҳраманд эканлиги боис шундан фойдаланиб қолди. 11 ёшида Cities Service нинг иккита акциясини (ўзига ва опасига) 38 доллардан сотиб олди. Тез орада бу акцияларнинг нархи 27 долларга тушиб кетди. Ёш «акциядор» ҳуноби чиққан бўлса ҳам акцияларини сотмади – нархи кўтарилишини кутди ва ҳар бирини 40 доллардан пуллади. Бу унинг хатоси эди: бир неча кундан кейин уларнинг нархи 200 долларга етди. Баффетнинг эътироф этишича, айни ўшанда у сабр қилишни ўрганди, пайт пойлаб туриш зарур эканлигига тушунди ва узоқ муддатли қўйилмалар тарафдори бўлиб қолди.

Бироз вақт фонд бозоридан четроқда юрган Баффетнинг (13 ёшида) матбуотни чаканалаб сотишда омади чопди. Орадан бир йил ўтгач, тўплаган пули 1,5 минг долларга яқинлашиб қолди. Уларни тезроқ ишга солишни кўзлаб маҳаллий фермерларга ижарага бериш учун бу пулга ер участкаси сотиб олди.

Шундан кейин қимор ўйинларига қизиқиб қолди. Бузилиб қолган ўйин автоматларини арзон гаровга сотиб олиб, Уоррен уларни таъмирлашга топширди. Кейин эса уларни дўконлар, сартарошхоналар ва шу сингари гавжум жойларга ўрнатди. Топган фойдани жой эгалари билан ҳалол бўлашди. Шу зайил пули ой сайин 600 долларга кўпайиб борди.

Вақти келиб Баффет ота-онасининг ўгити билан Пенсильвания университетига йўл олди. Аммо ўқиш тез орада жонига тегди, чунки уддабуронлиги билан танилиб қолган ўсмир бизнес ҳақидаги назариётчи олимлардан кўпроқ нарса биларди. Бир йилдан кейин қадрдон Небраска шаҳрига қайтиб, яна газета бизнеси билан шуғуллана бошлади. Дастлаб газета етказиб бериш бўлими бошлиғи бўлди, кейин эса шу идора эгаларидан бирига айланди. Ишлар юришгандан юришиб кетди. Ёш тадбиркор яна нигоҳини фонд биржасига қарата бошлади. Ўз жамғармасидан ташқари отасининг пуллари ҳам унинг ихтиёрида эди. Шу зайил оила сармоясини кўпайтириш тараддудига тушди.

Ана шу ишлар билан машғул бўлиш асносида у Небраскадаги университетни тамомлади, аммо ўқишни давом эттиришга қарор қилди.

## ИНВЕСТОР МАКТАБИ

«Шуни тушуниб етдимки, кўп нарса билишимга ва шахсий қобилиятларим даражасида иш олиб бора олишимга қарамай, қўшимча билимгина шуҳратимга шуҳрат қўшар экан», – деб эслайди у истеҳзо билан. Баффет Вашингтондаги Колумбия университетига киришга аҳд қилди.

Бу дорилфунунда инвестиция бизнесида «акула» деган ном орттирган Бенжамин Грэм лекция ўқирди. У талабаларга компанияларнинг молиявий ҳисоботларини синчковлик билан таҳлил қилишни буюриб, уларнинг фаолияти йўналишига эътибор қилмасликни ва олинган маълумотлар асосида акцияларни сотиб олиш ёки сотиш ҳақида қарор қабул қилишни ўргатарди. Грэм шахсий тажрибасига таяниб, маблағ деган нарсани бугунги кунда биржада ҳамманинг оғзига тушган компанияга эмас, акциялари ҳақиқий активларидан пастроқ баҳоларда сотилаётган акцияларга тикиш лозим деб уқтирарди. Грэм уларни чекиб ташлаб юборилган сигарага ўхшатарди.

Йигитлик остонасидан хатлаётган Баффет курс бўйича маърузаларни тинглагач, аксинча иш тутиш лозим деган хулосага келди: « Ҳамонки, компаниянинг активлари сотилаётганидан қиммат эканлигини билар эканман, уларнинг ҳисоботлари билан неча пуллик ишим бор? Акцияларни эмас, балки унинг ортида турган бизнесни сотиб олиш керак – гап ана шунда!» У ана шу принципга амал қилиб кейинчалик Грэм жанобларининг фондидаги жамики маблағлардан бир неча бор кўп пул ишлаб олишга муваффақ бўлди.

Университетни тамомлаганидан кейин бир йил ўтар-ўтмас Грэм Уорренни ишга таклиф этди. 6 йил ичида унинг фирмаси 140 минг доллар ишлаб топди. Шунда Баффет мустақил иш юритиш фурсати келганлигини англаб етди ва 1957 йили ота шаҳри Омахага қайтиб ўзининг Buffett Associates деб аталган биринчи инвестиция ширкатини очди. Унинг истеъдодига ишонган бир қанча тадбиркорлар Баффетни бош менежер этиб тайинладилар ва унга 25 минг доллардан бердилар. Бошланғич сармояси 105 минг доллар бўлган фирманинг пули ярим йилдан кейин уч баравар ошди.

Яхши бошқарилаётган фирмаларнинг акцияларига пул тикиш Баффет учун ишда асосий принцип бўлиб қолди. Устози Грэмдан фарқли равишда у корхоналарнинг балансларини ўрганиш билан чекланиб қолмай, уларнинг корпоратив тузилмасини ҳам, энг зўр менежерлар таржимаи ҳолини ҳам синчиклаб ўрганарди. Баффетни қисқа муддатли, чайқовчилик йўсинидаги ишлар қизиқтирмасди. У ўз наздида бозорда узоқ вақт фаолият кўрсатиб турадиган компанияларгагина пул тикарди. Акцияларни сотишда биз учун энг мақбул муддат уларни ҳеч қачон сотмасликдир деган гапни кўп такрорларди. Бундай стратегия ажойиб самаралар берди ва ҳозирга қадар шундай самара бермоқда. Баффет компанияси акциялари 5 йил ичида 251 фоизга ошди, айни бир вақтда Доу-Жонс индекси (бу фонд борасида машҳур индекс бўлиб, АҚШнинг етакчи саноат тармоқларининг 30 та йирик компанияси акциялари баҳоси асосида ҳисоблаб чиқарилади) бор-йўғи 74 фоизга кўтарилди. Яна 5 йилдан кейин бу акциялар 1 156 фоиз қимматлашди, Доу-Жонс индекси эса 122 фоизга ошди, холос.

## БАФФЕТОНА РАҚАМЛАР

Бу Баффетнинг илк парвози эди. Иккинчи, янада кўламдор парвоз учун старт майдончасига 1969 йили асос солинди. Бу пайтга келиб, Buffett Associates қиймати 102 млн долларга етган эди. Кутилмаганда Баффет фондни тарқатиб юборди, активларини сотди ва ўша кезлари жуда танг ҳолга тушиб қолган The Berkshire Hathaway (BH) тўқимачилик компаниясини сотиб олди. Бу чоғроқ компания бўлиб, акцияларининг ҳар бир донаси 8 доллардан сотилди, ҳолбуки соф активларининг қиймати уларни 20 доллардан сотиш имконини берарди. Бунақа ҳолатни фақат Баффет тўғри баҳолай билди ва у 3 йил ичида BHнинг ярмини сотиб олди. Бошқа акциядорлар кутганига зид ўлароқ у тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга киришмади, компаниянинг барча даромадини қимматли қоғозлар сотиб олишга йўналтирди. Ўшанда қонун ижодкорлари Америка суғурта компаниялари учун катта-катта солиқ имтиёзлари белгиладилар. Ана шу бизнеснинг келгусида сердаромад бўлишини кўра билган Баффет секин-аста Американинг бешта йирик суғурта фирмасини сотиб олди. У мўлжални тўғри олган экан: 40 ёш бўсағасидан ўтар-ўтмас 28 миллиард долларлик мол-мулк эгаси бўлиб қолди.

Унинг ютуқли одимлари Баффет ҳеч қачон акциялар билан чайқовчилик қилмайди деган принцип самарасидир. Таҳлилчилар таъбири билан айтганда, у акцияларни «пухта инвестициялайди». Бундай ёндашувни Баффет осонгина изоҳлаб шундай дейди: «Бозорга эмас, бизнесга, акцияларини сотиб олаётган компанияга қаранг. Ишончли ва истиқболли лойиҳаларга маблағ киритаётган бўлсангиз, шуни билиб қўйингки, ҳеч қандай ҳолатда ҳам танглик сизни ташвишлантирмаслиги лозим».

## МИЛЛИАРДЕРГА ЭСКИ МАШИНА ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ

Баффет ҳақида озмунча афсона ва ривоятлар тўқилмаган дейсиз. У чеккароқ вилоятдаги қадрдон Омаха шаҳрида эски уйда яшайди. Янги чиққан зўр машиналарни эмас, тутилган машиналар бозорида ўн йилча олдин 700 долларга сотиб олган эскироқ «Хонда» русумли машинани ёқтиради. Кўрган одам уни пулдор деб ўйламайди ҳам. Оёқ кийими, уст-боши ё арзонлаштирилган, ёки ўрта табақа вакилларига мўлжалланган арзонбаҳо товарлар сотиладиган дўконлардан олинган бўлади. Тежамкорлик билан ҳаёт кечиришни Баффет ўз зурриётларига ҳам ўргатди. Унинг васиятига кўра бор давлатининг 99 фоизи турли хайрия фондлари ихтиёрига ўтади.

Баффет қизиқ табиатли инсон, ҳазил-ҳузул қилишни яхши кўради, узундан-узоқ нутқ сўзлашига ҳам кўпчилик кўниккан. Жаҳон матбуоти ундан иқтибослар келтиришни ёқтиради. Молия ҳамжамияти томонидан қаттиқ танқид қилинган бир битимдан сўнг унинг заҳархандалик билан айтган гапини – «агар сизлар шунчалик ақлли экансиз, нима учун мен бунчалик бойман?» деган гапини кўп эслашади. Унинг айтганлари, маърузалари журналистлар учун шунчаки озуқа эмас, балки бутун дунёдаги биржа даллоллари ва чайқовчилари обдон ўйлаб олиши учун яхши мавзу ҳамдир. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатини диққат билан ўрганишади ва таҳлил этишади. Кимнингдир молиявий ноқобиллиги ҳақида айтган озгина тагдор гапи фонд бозорида бўҳрон уйғотиши ҳеч гап эмас.

Инвестиция стратегияси борасида ҳам Баффетнинг ўзига хос табиати, оғир карвонлиги сезилиб туради. Баффет маҳсулотини дуруст деб биладиган компанияларгагина пул киритади. Унинг «бисот халтаси»да Coca-Cola, Gillette, The Washington Post, American Express, McDonald's, Walt Disney сингари йирик компанияларнинг пакетлари бор. Бу тасодиф эмас, албатта. Журналистларнинг айтганларига ишонилса, бизнес соҳасининг 80 ёшли бу пулдор намояндаси субҳидамда бир бокал Coca-Cola ичади, Gillette билан соқолини олади, нонушта қилаётганида албатта The Washington Post газетасини ўқийди, буларнинг ҳаммасига American Express пластик карточкаси билан ҳақ тўлайди. «Ўрдакчалар» мультфильмини жуда яхши кўради, унинг бош қаҳрамони – миллионер Скрудж МакДак асли Баффетга тегишли мана бу сўзларни кўп такрорлашини яхши биласиз: «Тежаб қолинган доллар – ишлаб топилган доллардир». Бисотида юқори технологияга таянадиган компаниялар акциялари ҳанузга қадар йўқлигини изоҳлаган бўлиб, Баффет уларнинг маҳсулотидан фойдаланмаслигини айтади ва «Уйимда ҳатто компьютерим йўқ», – дея қўшиб қўяди.

Бундан 5 йил муқаддам сайёрамиз ишбилармонлар жамоатчилиги Баффетнинг замонавий технологияларга пул тикишни сира истамаётганлигига чинакамига ажабланган эди. Жаҳондаги инвесторлар шу жабҳада қўлга киритилган миллион-миллион фойдани ҳисоб-китоб қилиб, ич-ичларидан хурсанд ҳолда эски русумга эътимод қўйган миллиардернинг устидан янги иқтисодиётга келганда унинг ақли панд берди дея мийиқларида кулиб юрдилар. Баффет бунга жавобан елкасини қисиб қўя қолди ва менежерларига босиқлик билан ҳаммаси жойида, ўз ишингизни қилаверинг деб айтди. 2 йилдан сўнг қувониш, шодланиш навбати Баффетга келди. Юқори технология бозори ривожининг асосий кўрсаткичи бўлмиш NASDAQ биржа индекси шиддат билан пасая борди. Инвесторлар беҳад катта зарар кўрдилар. Ўз компанияси қиймати ўсиб бораётганини ички қониқиш билан кузатар экан, Баффет ахир мен сизларни огоҳлантирган эдим-ку деб қўя қолди секингина.

## БАШОРАТИНИ АЙТМАЙСИЗМИ?!

Баффет инвестиция бисотини шакллантирар экан, ўзи шахсан афзал деб билган жиҳатлардан ташқари яхши компанияларнинг, агар уларда ёмон хабарлар пайдо бўлган бўлса, акцияларини сотиб олинг деган жўнгина принципга ҳам амал қилади. Унинг қўлга киритилган энг яхши акциялари глобал ёки маҳаллий инқирозлар вақтида ёки шу инқирозлардан кейиноқ сотиб олинган.

Баффетнинг эътироф этишича, унинг ютуқлари қобилияти ёки омади келишигагина эмас, балки бошқа кишиларнинг хато ҳамда янглишганликларига ҳам боғлиқдир. Зеро инвесторларнинг аксарияти молиявий ҳисоботи жорий пайтда анча жозибадор ва жалб этувчан компанияларнинг чоғроқ туркумдаги акцияларини сотиб олишга ёки сотишга ҳаракат қилади. Уоррен ҳаммага зид равишда ниҳоятда синчковлик билан танлаб олинган йирик туркумдаги, сони унча кўп бўлмаган компаниялар акцияларидан ўз бисотини шакллантиради. Чинакам бойиш истагидаги инвестор ўзидаги муросасозлик туйғуларини енгиши ва энг яхши акцияларнигина сотиб олиши лозим. Баффет ҳар йили ўзининг Омаха шаҳрида The Berkshire Hathaway акциядорларини йиғади (компания қароргоҳи ҳам айни шу шаҳарда) ва анъанавий нутқ сўзлаб, ўтган йилда эришилган ютуқларга тўхталади ҳамда келгуси ишлар ҳақида сўз юритиб, башоратомуз фикрларини айтади. Унинг бу нутқини BH эгаларигина эмас, балки ер юзидаги миллионлаб инвесторлар интиқлик билан кутадилар. Маълумки, оқсоқол Баффет ҳеч қачон хато қилмайди, унинг башоратомуз гаплари айтилган муддатда рўёбга чиқади.

Баффет 2001 йилни ўзи учун бирдан-бир хато йил бўлди деб ҳисоблайди. Ўшанда, сентябрь ойида Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир бўлган террорчилик ҳаракатлари суғурта ва қайта суғурта билан шуғулланувчи компаниялар бюджетига зўр келди. Баффет бисотининг асосини шундай компаниялар ташкил этганлиги боис бир куннинг ўзида у 1 млрд доллардан ҳам кўпроқ маблағ йўқотди ва йил якунлари бўйича фойдаси учдан икки қисмга камайиб кетганлигини тан олди. Ўшанда Уоррен террорчилик таҳдидини олдиндан баҳолай билмаганлиги учун акциядорлардан шахсан кечирим сўради.

Шунга қарамай, Баффет ҳамиша босиқлик, вазминликни қўлдан бермайди ва «Эҳтиросга берилманг, ҳовлиқманг, дўстлар! Мен айтгандек қилаверинг, ҳаммаси яхши бўлади», – деган гапни кўп такрорлайди. Ўзи ҳам бу гапга амал қилади: унинг ҳеч қачон ҳеч қаёққа ошиқмаётгандек туюлиши боиси ҳам шунда бўлса керак...

***Хорижий матбуот материалларидан.***

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

САР ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

058-09

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
ЎзР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru
Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55, Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63, Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

009-11

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф




ЭЪЛОНЛАР ЭЪЛОНЛАР ЭЪЛОНЛАР

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**

Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*.
Тел. (+99897) 330-45-71.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

**БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.

**БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ**

Ташкилот вилоятларда тижорат юкларини декларациялаш хизматларини кўрсатади*.
Тел. (8 371) 268-10-92.

**ХИЗМАТЛАР**

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

1С: 8.1. Кузатув, созлаш ва дастурлаш.
Тел. (+99893) 381-36-49.

Компьютерга тез ёрдам. Windows, дастурлар, антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Дам олиш кунларисиз. Тел. 585-29-79.

***Хизматлар лицензияланган.***

## Рўйхатлар

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яккасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами | Юридик манзили |
|---|---|---|
| "INFO INTEGRAL SISTEM" МЧЖ | 10-1108/6120 | Братислава кўч., 9 |
| "SHUXRAT SAODAT MARHAMAT MANSUR" МЧЖ | 10-1108/6123 | Сарабўстон кўч., 5-1 |
| "QUEEN IMPEX" МЧЖ | 10-1108/6124 | У.Носир кўч., 132 |
| "AFRODITA MTP" ШК | 10-1108/6125 | У.Носир кўч., 91 |
| "СУҒУРТА СЕРВИС" МЧЖ | 10-1108/6127 | У.Носир кўч., 15 |
| "BUNYODKOR PRINT" МЧЖ | 10-1108/6128 | Чўпонота кўч., 9а |
| "MAXIMUS MONOLIT" МЧЖ | 10-1108/6130 | Абдуллаева кўч., 13 |

Мазкур корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 майдаги ажримларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "Chug'ursoy oil" МЧЖ | 10-1107/6939 |
| "Global class prom" МЧЖ | 10-1107/6941 |
| "Slotex" МЧЖ | 10-1107/6940 |
| "Osiyo baraka plast" ХК | 10-1107/7002 |

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 12 май куни соат 11.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 16 май куни соат 14.00 да Шайхонтоҳур туман ДСИ биносининг 307-хонасида сайёр очиқ суд мажлисида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Тел. 241-30-86.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 29 апрелдаги 10-1117/6611-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги "ABOFIUM" МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили жорий қилинди. Муваққат бошқарувчи этиб Н.Файзиева тайинланган. Суд муҳокамаси 2011 йил 13 май куни соат 16.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 1-мажлислар залида кўрилади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2011 йил 12 май куни соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади. Тел. 235-74-88.

**Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 19 апрелдаги ҳал қилув қарорларига асосан Ўртачирчиқ туманидаги банкрот деб тан олинган ва тугатишга доир иш бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "Аваз ота" ФХ | 11-1106/7105 |
| "Хикматилла Хурматой" ФХ | 11-1106/7106 |
| "Бегали ота" ФХ | 11-1106/7107 |
| "Азиз Бахтиёр Алижон" ФХ | 11-1106/7108 |
| "Дўстхўжаобод" ФХ | 11-1106/7109 |
| "Кукмўйин" ФХ | 11-1106/7110 |
| "Куттибоев Нурмухаммад" ФХ | 11-1106/7111 |
| "Лайс Беруний" ФХ | 11-1106/7112 |
| "Мусурмонкул Исломов" ФХ | 11-1106/7113 |
| "Озодбек Зиё" ФХ | 11-1106/7114 |

Мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг кредиторлари йиғилиши 2011 йил 12 май куни соат 15.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 88-уй, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона. Ушбу корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Ўртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Корхоналарнинг белгиланган тартибга кўра топширилмаган думалоқ муҳрлари ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 88-уй, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 2 майдаги 10-1108/7018-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "GALPROMEKS" МЧЖ (юридик манзили: Кичик Бешёғоч кўчаси, 130а-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 12 май куни соат 10.30 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзил бўйича ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 310-хона. Ушбу корхонанинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 13 май куни соат 9.30 да Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биносида сайёр суд мажлиси ўтказилади. Тел. 250-70-87.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 апрелдаги 10-1109/4054-сонли қарорига асосан Ҳамза туманидаги "МК-ТРЕЙДИНГ" КК (СТИР 203801847) ҳамда 10-1109/4055-сонли қарорига асосан "ATLANTA-AUDIT" АХК (СТИР 206970138) бўйича тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхоналарнинг Низоми, таъсис ҳужжатлари, гувоҳномалари, махсус лицензиялари ва бошқа бирламчи ҳужжатлари, думалоқ муҳр, бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 4 июндаги 11-1006/12581-сонли ажримига асосан Бўка туман ДСИ рўйхатидан ўтган "Азизбек Намина" фермер хўжалиги (СТИР 300134347) банкрот деб эътироф этилиб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Бўка туман ДСИ ходими Т.Пўлатов тайинланган. Мазкур корхонанинг белгиланган тартибда топширилмаган думалоқ муҳрлари ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва юридик мақомга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар 1 ой мобайнида ўз мурожаатларини қуйидаги манзилдаги муваққат бошқарувчига билдиришлари мумкин: Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй.

Тел. 150-59-27.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 22 апрелдаги 10-1107/5508-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "Tezkor Grand Servis" MCHJ ҳамда 10-1107/5509-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Ekstol" ХК банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими Д.Ишметов тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур туман 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хона.

Тел. 241-30-86.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1031 Адади 4860. Баҳоси келишилган нархда
**Газета 2011 йил 6 майда соат 20.00 да топширилди.**
**ISSN 2010-5223**